БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

УЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

8-йил чиқиши
№ 156 (1934)
9 АВГУСТ ЧОРШАНБА
1961 ЙИЛ
БАҲОСИ 2 ТИЙИН

## СССР мудофаа министрининг БУЙРУҒИ

1961 йил 9 август № 196 Москва шаҳри

Совет космонавти майор Г. С. Титовнинг «Восток-2» йўлдош-кемада космик фазода 25 соат давомида муваффақиятли учишини таъминлаган совет халқининг энг катта ғалабасини, олимлар, инженерлар, техниклар ва ишчиларнинг зўр қаҳрамонлигини нишонлаб, **БУЮРАМАН:**

Шу йил 9 август соат 21 да Ватанимиз пойтахти — Москвада, иттифоқчи республикаларнинг пойтахтларида ва қаҳрамон шаҳарларда тўплардан бир йўла 20 марта ўқ узиб салют берилсин.

СССР мудофаа министри Совет Иттифоқи Маршали
Р. МАЛИНОВСКИЙ.

# Н. С. ХРУШЧЕВНИНГ

## 1961 йил 7 августда радио ва телевидение орқали сўзлаган нутқи

Азиз ўртоқлар!

Мамлакатимиз давлат арбобларининг радио ва телевидение орқали нутқ сўзлашлари яхши традицияга айланиб бормоқда. Бугун мен сизларга мамлакат ичидаги ишларимиз қандай бораётганлигини қисқача сўзлаб бермоқчиман, шундан кейин халқаро аҳвол масалаларига тўхталиб ўтаман.

Аввало, янги буюк ғалаба — «Восток-2» йўлдош кемасининг космик парвози муваффақиятли тугалланганлиги билан барча совет кишиларини чин кўнгилдан табриклашга рухсат бергайсиз.

Майор Герман Степанович Титов йўлдош кемада мисли кўрилмаган космик сафар қилди, унинг парвози 25 соатдан кўпроқ давом этди. Космонавт белгиланган программани тўла-тўкис бажаргач, Совет Иттифоқининг белгиланган районида ерга қўнди. Бу парвознинг аҳамияти ўз-ўзидан кўриниб турибди. Мана шу парвоз туфайли инсоният планеталараро саёҳатларни амалга ошириш йўлида яна бир катта қадам қўйди.

Ер юзининг ҳамма халқлари совет фани ва техникасининг космосни ўзлаштиришдаги жуда катта ғалабаларини завқ-шавққа тўлган ҳолда табрикламоқдалар.

Совет халқининг ана шу жаҳоншумул-тарихий ғалабаси муносабати билан бугун партиямиз Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукуматининг мурожаати эълон қилинди. Мамлакатимиз космонавт Москвага қайтиб келган куни унинг қаҳрамонона жасоратини тантанали суратда нишонлайди.

Совет халқининг, коммунистик партиянинг ботир фарзанди Герман Степанович Титовни КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукумати номидан яна бир марта қизғин ва самимий табриклайман. Ажойиб олимларимизни, конструкторларимизни, инженерларимиз ва ишчиларимизни — ўз меҳнати билан Советлар Ватанининг шон-шуҳратини оширган ана шу буюк жасоратга замин тайёрлаган ва уни амалга оширган кишиларнинг ҳаммасини табриклайман.

Азиз ўртоқлар! Энди мен саноатимизнинг иши ҳақида, қишлоқ хўжалигидаги ишлар қандай бораётганлиги тўғрисида гапириб бермоқчиман.

Етти йиллик планимизнинг контроль рақамлари ўзининг улуғворлиги билан бутун дунёни ҳайратда қолдирганлигини сиз биласиз. Совет етти йиллик плани дўстларимиз қалбида ғайрат ва шодлик туйғулари уйғотди. Бу план социализм душманларини қайғуга солиб қўйди. Ўша вақтда чет элларда эски услубдан фойдаланиб, етти йилликни нореал план деб эълон қилишга ошиққан нодўст кишилар чиқиб қолди. Ҳаёт мана шу империалистик шаллақиларнинг тоза шармандасини чиқарди.

Бизнинг ишчиларимиз, колхозчиларимиз, инженерларимиз, олимларимиз социалистик Ватан шон-шуҳрати йўлидаги ажойиб ишлари билан етти йилликнинг реал эканини исботлабгина қолмай, шу билан бирга дастлабки режаларни кўпайтиришни кўзлаб, унга ҳозирдаёқ ўз тузатишларини киритдилар. Бу тузатишлар капиталистик дунёдаги ишонмовчилар ва бўҳтончиларни юмшоқроқ қилиб айтганда, замбилбоп қилиб қўйди.

Саноатнинг ишига оид баъзи бир маълумотларни келтириб ўтишга, давлатнинг иқтисодий кучқудратини белгиловчи кўрсаткичларни айтиб ўтишга рухсат бергайсиз.

Маълумки, етти йилликнинг дастлабки икки йилининг плани анча ортиғи билан бажарилди. Етти йилликнинг учинчи йили бўлган 1961 йилнинг биринчи ярмида план муваффақиятли бажарилганлиги тўғрисидаги ахборот яқинда матбуотда эълон қилинди. Етти йилликнинг икки ярим йили мобайнида етти йиллик план бўйича шу давр учун белгиланганига нисбатан 15 миллиард сўмлик саноат маҳсулоти кўп ишлаб чиқарилди. Пўлат 7,6 миллион тонна, прокат 6 миллион тонна, нефть 8 миллион тонна, қурилиш учун темир-бетон ва бетон конструкциялари ҳамда деталлари 12 миллион кубометр, ип газламалар 900 миллион метр ва пойафзал 53 миллион жуфт кўп ишлаб чиқарилди.

Етти йилликнинг икки ярим йили мобайнида бутун бешинчи беш йиллик (1951-1955 йиллар) давомида ишлаб чиқарилганига тенг келадиган миқдорда саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилганини айтиб ўтиш муҳимдир.

Ишлаб чиқариш планлари ошириб бажарилганлиги ва маҳсулот таннархи камайтирилганлиги жамғармаларни кўпайтирди ҳамда енгил саноатга қўшимча равишда уч миллиард сўмга яқин капитал маблағ ажратиш имконини берди. Етти йиллик план халқ фаровонлигини янада юксалтиришни кўзда тутади. Бу топшириқлар ҳам муваффақиятли суратда бажарилмоқда. Иш ҳақи ва ижтимоий истеъмол фондлари ўсиб бормоқда, уй-жой қурилиши сира мисли кўрилмаган кенг миқёсларда олиб борилмоқда.

Кўриб турибсизки, саноат яхши ишламоқда, умуман у план топшириқларини ортиғи билан бажармоқда. Бироқ ўз планларини бажармаётган заводлар ва фабрикалар ҳам бор. Демак, бундай корхоналар етти йилликни муддатидан олдин бажариш вазифасини ҳал қилишга зарур даражада ҳисса қўшмаётирлар. Улар неча ўн минглаб илғор коллективлар билан баббаравар қадам ташлаб бормаётирлар. Ҳар бир завод, фабрика, кон, ҳар бир колхоз ва совхоз план топшириқларини ҳамма кўрсаткичлар бўйича тўла ва ошириб бажариши учун ҳамма чораларни кўриш зарур.

Энди сизларга қишлоқ хўжалигимизда аҳвол қандай эканлигини айтиб берай. Ўтган икки йилда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш даражаси имкониятларимизга нисбатан паст бўлди. Бу ҳол шаҳарларни гўшт, сут, мой каби маҳсулотлар билан таъминлаш соҳасида баъзи бир қийинчиликларни келтириб чиқарди. Хўш, бу йилги перспективаларимиз қандай деган савол кўп кишиларни қизиқтиради. Чунки халқ фаровонлигини ошириш қишлоқ хўжалиги қай тарзда ривожланаётганлигига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Бу йил, Совет ҳокимияти барпо этилгандан бери ўтган ҳамма йиллар мобайнида асло кўрилмаган миқдорда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари йиғиштириб олсак ва харид қилсак керак.

Барча қишлоқ хўжалик экинларининг майдони 204 миллион гектардан ортиқни ташкил этади. Илгари ҳеч қачон бунчалик кўп майдонга экин экмаган эдик. Дон олиш мақсадида 7,7 миллион гектарга — ўтган йилдагидан 2,6 миллион гектар кўп ерга маккажўхори экилди. Нўхат, крупа олинадиган экинлар, хашаки ловия экиш анча кўпайтирилди. Ҳосилни ўриб-йиғиб олиш тез суръатлар билан бормоқда.

Мамлакатдаги йирик қорамоллар сони йил бошида бундан аввалги ҳамма йиллардагига нисбатан энг кўп миқдорда бўлди ва 75,8 миллион бош, шу жумладан сигирлар 34,8 миллион бош бўлди; чўчқалар сони 58,7 миллион ва қўйлар сони 133 миллион бошни ташкил этди. Бу, чорвачиликни янада юксалтириш учун бизда яхши замин мавжуд эканини кўрсатиб турибди.

Яқинда мен Кубанда, Ростов областида, Украинада бўлиб қишлоқ хўжалик ходимлари билан учрашдим, далаларни ҳамда кишилар меҳнатининг самараларини кўрдим, ўз меҳнати туфайли мўл ҳосил етиштирган кишилар билан суҳбатлашдим.

Шуни айтишим керакки, кўрган нарсаларим мени жуда хурсанд қилди ва бу ҳақда сизларга қисқача сўзлаб беришни истар эдим.

Масалан, Украинани олиб кўрайлик. Эсингизда бўлса керак, биз Украина сингари шундай катта республиканинг раҳбарларини Марказий Комитетнинг январь Пленумида сира аямай қаттиқ койиган ва ишдаги жиддий камчиликлари учун уларни қаттиқ танқид қилган эдик. Украинанинг раҳбар ходимлари танқиддан тўғри, партиявий хулосалар чиқариб олдилар, ишни қайта қурдилар, халқнинг моддий ва маънавий кучларини сафарбар этдилар. Республика қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда бу йил катта муваффақиятларга эришмоқда. Украина колхоз ва совхозлари 5 августгача давлатга 552 миллион пуд дон, асосан буғдой сотдилар. Республика бутун ўтган йил давомида давлатга маккажўхори билан бирга 359 миллион пуд дон сотган эди. Подгорний ва Шчербицкий ўртоқларнинг айтишларига кўра, Украина давлатга яна бир неча ўн миллион пуд буғдой, нўхат, тариқ ва бошқа бошоқли дон экинлари маҳсулоти, ловия ва крупа олинадиган экинлар маҳсулоти сотади. Шундай қилиб, оқ нон ҳам, ва, украинлар айтмоқчи, чучвара ҳам, шовла ҳам кўп бўлади.

Украинлар дон етиштиришни кўпайтиришнинг маккажўхори сингари қудратли резервидан моҳирлик билан фойдаландилар. Улар маккажўхори экишни анча кенгайтирдилар. Бу йил Украинада 7,3 миллион гектар ерга маккажўхори экилди, шунинг қарийб тўрт миллион гектаридан маккажўхори дони йиғиштириб олинади. Маккажўхори яхши парвариш қилинмоқда ва авж олиб ўсмоқда. Башарти, ўрим-йиғим уюшқоқлик билан ўтказилса, колхоз ва совхозлар бир миллиард пуддан кўпроқ маккажўхори дони йиғиштириб олишлари мумкин. Бу эса, украин ўртоқлар айтганидек, давлатга 450-460 миллион пуд маккажўхори дони сотиш имкониятини беради.

Меҳнат тўғри ташкил қилинганлиги, қўшимча ҳақ тўлаш усули қўлланилганлиги Украинада дон етиштиришни кўпайтиришда катта роль ўйнади.

Украина меҳнаткашлари, Украина коммунистлари ва комсомоллари чинакам қаҳрамонлик кўрсатдилар, ишни яхши ташкил эта билиш ва катта муваффақиятларга эриша олишларини кўрсатдилар. Украина Коммунистик партияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети, область ва район партия комитетлари, область ва район ижроия комитетлари, халқ хўжалиги кенгашлари, бошланғич партия ташкилотлари, касаба союз, комсомол раҳбарларининг ҳам бунда хизмати бор.

Сизларга бошқа хушхабарларни ҳам айтиб қўйишни истар эдим. Мен Краснодар ўлка партия комитетининг секретари ўртоқ Воробьев ва ўлка ижроия комитетининг раиси ўртоқ Коломиец билан суҳбатлашдим. Улар, район, колхоз ва совхозларнинг ходимлари билан ўтказган суҳбатларимиз натижасида ҳосил бўлган дастлабки маълумотларга кўра бу йил давлатга ғалла сотиш планини ортиғи билан бажаришни мўлжаллаяпмиз, деб маълум қилишди.

Мен Ставрополь ўлкасининг, Ростов, Белгород, Курск, Тула, Орел областларининг раҳбарлари билан ҳам суҳбатлашдим. Мана шу ўлка ва областларда олинаётган ҳосил чакки эмас. Бу районларнинг колхоз ва совхозлари давлатга ўтган йилдагига нисбатан анча кўп ғалла сотишни мўлжаллашмоқда.

Сталинград, Саратов, Оренбург областларининг ҳамда Волга бўйи ва Уралдаги бошқа областларнинг колхоз ва совхозларидан дон экинлари ва маккажўхори ҳосили яхши бўлганлиги ҳақида хушхабарлар келиб турибди.



Ўртоқ Н. С. Хрушчев 1961 йил 7 августда радио ва телевидение орқали нутқ сўзламоқда.
А. Устинов фотоси («Правда»).

Умуман олганда Россия Федерациясининг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари дон ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш ишига катта ҳисса қўшмоқдалар. Федерация колхоз ва совхозлари 5 августгача давлатга 779 миллион пуд, ёки ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 122 миллион пуд кўп дон сотдилар. Воронов ва Полянский ўртоқларнинг айтишларига қараганда, Россия Федерацияси давлатга ғалла сотиш соҳасидаги мажбуриятларини тўла бажаради.

Қўриқ ерлар тўғрисида бир неча оғиз сўз. У ерларда ўрим эндигина бошланмоқда. Маълумки, қўриқ ўлка ва Сибирь районларида ғалла анча кеч пишади, шунинг учун конкрет рақамларни тилга олишга ҳали вақт эрта. Аммо, қўриқ ерлардаги республикалар, ўлка ва областларнинг раҳбарлари ҳам планлар тўла бажарилади, балки ошириб ҳам бажарилади, деб айтмоқдалар.

Шундай қилиб Россия Федерацияси, Украина ва Қозоғистон нақд ҳосилни ўрганиш асосида қабул қилган ўз мажбуриятларини тўла бажарсалар, у ҳолда давлат ўтган йилдагига нисбатан тахминан бир миллиард пуд донни кўп харид қила олади. Бу эса, халқимизнинг катта ғалабаси бўлажагини сизлар яхши тушунасиз, албатта.

Маҳаллий ходимларнинг ҳисобларига кўра, колхозлар уруғлик фондларини вужудга келтирганларидан ва давлатга ана шунча миқдорда дон сотганларидан кейин, колхозчиларнинг меҳнат кунларига ва қўшимча ҳақ тариқасида бериш учун, шунингдек чорвага ем қолдириш учун зарур миқдорда донга эга бўладилар.

Ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалигидаги асосий вазифа — етиштирилган барча ҳосилни нобуд қилмасдан ўз вақтида, яхшилаб йиғиштириб олиш ва уни сақлаб қолишдан иборатдир.

Совет Иттифоқининг барча халқлари қишлоқ хўжалиги муваффақиятлари тўхтовсиз кўпая берсин, деб куч-ғайратларини сарфламоқдалар. Кўриб турибсизки, бу йил бизда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини анча кўп етиштириш имконияти бор. Модомики, ғалла кўпайса, ем кўпайса, демак, чорвачилик ҳам ривожланаверади, гўшт, сут, ёғ етиштириш кўпаяди ва аҳолининг таъминоти яхшиланаверади.

Шу билан бирга ишдаги камчиликлар ва қийинчиликларни назарда тутмоқ керак, биз эндиликда бу камчилик ва қийинчиликларни равшанроқ кўриб турибмиз. Катта-катта имкониятларимиздан яхшироқ фойдаланиш лозим. Қишлоқ хўжалигини янада тез ривожлантириш вазифасини ҳозирги вақтда биз тағин ҳам муваффақиятлироқ бажара оламиз.

Бизда бутун халқ хўжалигини ривожлантиришнинг перспективалари ниҳоятда катта. Бу перспективалар Совет Иттифоқи Коммунистик партияси янги Программасининг проектида баён қилиб берилган.

Ана шу ҳужжат эълон қилинган пайтдан буён унча кўп вақт ўтгани йўқ, шу сабабли биз шошма-шошарлик қилиб ва Программа проектига мамлакат ичкарисида ҳамда чет элларда берилган баҳолар тўғрисида ҳозирдаёқ умумлаштирувчи хулосалар чиқариб ўтирмаймиз. Бутун дунёни тўлқинлантириб турган Программа проектини миллион-миллион кишилар қунт билан, ниҳоятда қизиқиб ўрганмоқдалар. Бизнинг партиямиз коммунистик жамият қуришни тарихда биринчи марта жуда яқин келажакда амалга ошириладиган бевосита амалий вазифа қилиб қўймоқда. Программанинг совет кишиларининг ҳозирги авлоди коммунизм даврида яшайди, деган хулосаси дилларни шодлантирмоқда ва ғайратга-ғайрат қўшмоқда.

Партиямиз Программаси проектини бутун совет халқи якдиллик билан маъқуллайди, деб ҳозирдаёқ тўла ишонч билан айтиш мумкин. Совет кишилари йиғилишларда сўзлаган нутқларида, матбуотда, радио ва телевидение орқали айтаётган гапларида ўз ленинчи партияси билан, ўз улуғ социалистик Ватани билан фахрланаётганликларини ва завқланаётганликларини изҳор қилмоқдалар.

Ҳар бир совет кишиси, хусусан кекса авлодга мансуб бўлган кишилар Программа проектини ўрганар эканлар, сўнгги ўн йилликлар мобайнида халқ босиб ўтган йўлга фикран назар ташлайдилар. Бизнинг Ватанимиз иқтисодий ва маданий жиҳатдан қолоқ бир мамлакатдан халқнинг иродаси ва меҳнати туфайли қудратли социалистик давлатга, улуғ ва эзгу мақсад — коммунизм сари биринчи бўлиб йўл очиб бераётган давлатга айланди.

Экономика, фан ва маданият соҳасидаги муваффақиятларимиз, тинчликсевар сиёсатни изчиллик билан юргизиб келаётганлигимиз Советлар Мамлакатининг халқаро обрўйини, унинг жаҳон миқёсидаги воқеаларнинг ривожланишига кўрсатаётган таъсирини беқиёс ошириб юборди.

Совет Иттифоқи халқларининг барча муваффақиятлари ва ғалабалари — Лениннинг олдиндан чизиб берган доно режалари партия томонидан амалга оширилганлигининг самарасидир.

Янги Программа проекти коммунистик яратувчилик, тинчликсеварлик ва интернационализм руҳи билан суғорилган. Барча мамлакатлардаги дўстларимиз, социалистик ва капиталистик мамлакатлардаги қардош марксчи-ленинчи партиялар Программа проектини маъқуллаётганликларини билдирмоқдалар. Программанинг халқаро коммунистик ва ишчи ҳаракати учун тарихий аҳамиятга эга эканини таъкидламоқдалар. Улар Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Программасини давримизнинг энг катта ҳужжати, марксча-ленинча назарияни ривожлантиришга қўшилган зўр ҳисса, деб ҳисобламоқдалар.

Партиямизнинг янги програм ҳужжатини дўстларимизгина эмас, балки коммунизм душманлари ҳам ўрганиб, унга баҳо бермоқдалар. Улар бу ҳужжатни эътиборсиз қолдиришга ожизлик қилмоқдалар, партиямиз Программасининг проекти бутун дунёда жуда катта таассурот туғдирганини яширишга ожизлик қилмоқдалар.

Америка Қўшма Штатлари сенатининг айрим арбоблари Программа проектини «АҚШга нисбатан жиддий дағдаға» деб билаётган ҳамда Совет Иттифоқи Программа проектида белгиланган мақсадларга эришиш учун қодирлигига шак-шубҳа қилмаётган экан, шу фактнинг ўзи диққатга сазовор факт эмасми, ахир. Бу арбоблар «Программа проектининг жозибадорлик аҳамиятига етарли баҳо бермаслик мумкин эмас», деб огоҳлантирмоқдалар. Жаноб империалистларни мана шу нарса ҳаммадан кўра кўпроқ қўрқитмоқда!

Янги Программанинг идеялари жаҳондаги барча кишиларнинг онгига ва қалбига йўл топиб боришига биз аминмиз. Программанинг коммунизм барча кишиларни социал тенгсизликдан, зулм ва эксплуатациянинг барча формаларидан, уруш даҳшатларидан халос этишдек тарихий вазифани бажаради ҳамда ер юзида халқлар учун Тинчлик, Меҳнат, Озодлик, Тенглик ва Бахт-саодатни қарор топтиради, деган оташин сўзлари ниҳоятда маъқуллаб кутиб олинмоқда.

Программа проектини ўрганиш вақтида совет халқи чиқараётган асосий хулоса бу — коммунистик қурилишни жадаллаштириш, Совет Ватанимизнинг куч-қудратини мустаҳкамлаш ва уни яшнатиш йўлида яна ҳам зўр бериб меҳнат қилиш зарур, деган хулосадир.

Социалистик экономиканинг капиталистик экономикага нисбатан афзалликлари ҳозирги вақтда назарий далиллар билангина исботлаб берилаётгани йўқ, балки бу афзалликнинг моддий далил-исботлари ҳозирдаёқ кўзга яққол кўриниб турибди. Социалистик дўстлик мамлакатлари иқтисодий юксалиш суръатларидаги, илмий техника тафаккурини камолатга етказишдаги, меҳнаткашларнинг фаровонлигини оширишдаги ва бошқа кўпгина соҳалардаги ўз устунликларини йил сайин намойиш қилмоқдалар.

Капиталистик мамлакатлар иқтисодий жиҳатдан Совет Иттифоқига нисбатан анча пешқадам бўлган вақтдаёқ, биз, марксчи-ленинчилар социалистик ишлаб чиқариш усулининг чексиз имкониятларга эга эканлигига қаттиқ ишонар эдик. Владимир Ильич Лениннинг социалистик тузумнинг устунлигига нисбатан чуқур ва букилмас ишончи мамлакат қаҳатчиликка қарши кураш олиб бораётган, халқимиз эса оғир очарчиликни бошдан кечираётган граждан уруши йилларидаёқ унга капитализмни иқтисодий мусобақага даъват қилиш, ижтимоий тузуми ҳар хил бўлган давлатларнинг тинч-тотув яшаш идеясини майдонга ташлаш имконини берган эди.

Кимки ўз ижтимоий тузумининг иқтисодий ғалабасига амин бўлса, унинг ўз тузумини бошқа халқларга қурол кучи билан мажбуран қабул қилдириши учун ҳожат йўқ. Мана шунинг учун биз капиталистик давлатларнинг раҳбарларига: қайси тузум, социалистик ёки капиталистик тузум ҳаётга энг қобилиятли ва прогрессив тузум экани ҳақидаги мунозарани бир ёқли қилишни халқларга, тарихга ҳавола қилайлик, деб айтмоқдамиз. Кишиларнинг моддий ва маънавий талабларини яхшироқ қондирадиган тузумни халқларнинг ўзлари эркин танлаб оладилар ва бу тузум ғалаба қилади.

Бошқа социалистик мамлакатлар сингари Совет Иттифоқи ҳам урушдан асло манфаатдор эмас, шу билан бирга, у империалистлар томонидан уруш бошлаб юборилишига мутлақо йўл қўймаслик учун ҳамма чораларни кўрмоқда. Коммунистлар тинчлик учун кураш олиб боришни ҳамиша ўзларининг биринчи даражали вазифалари деб ҳисоблаб келдилар. Коммунистик ва ишчи партиялар вакилларининг ўтган йили Москвада бўлиб ўтган Кенгаши Баёнотида бизнинг умумий маслакларимиз, талабларимиз ва ҳаракатларимиз программаси баён қилиб берилган. Империализм идеологлари ана шу Кенгаш Баёнотининг маъносини атайлаб бузиб кўрсатмоқдалар, коммунистларга бўҳтон қилмоқдалар, коммунистлар халқаро низоли масалаларни уруш йўли билан ҳал қилишга интилмоқда деб, уларга йўқ ердаги айбларни қўймоқдалар. Лекин буларнинг ҳаммаси сийқаси чиққан ёлғон гаплардир. Кенгаш ҳужжатларининг мағзини қунт билан чақиб кўрган ҳар бир киши социалистик мамлакатлар, барча қардош Коммунистик партиялар давлатлар ўртасида урушлар чиқаришга қатъиян ва бутунлай қарши эканликларига қаноат ҳосил қилади. Ташқи сиёсатимизнинг йўли — уруш эмас, балки тинч-тотув яшаш йўлидир.

Фақат коммунистларгина давлатлар ўртасидаги урушни кишилик жамияти ҳаётидан тамомила чиқариб ташлашни истамоқдалар. Ёппасига ва батамом қуролсизланиш тўғрисидаги совет таклифларининг маъноси ҳам шундадир. Башарти биз қаттиқ халқаро контроллик ўрнатилгани ҳолда ёппасига ва батамом қуролсизланиш тўғрисида Ғарб давлатлари билан бир битимга келишга муваффақ бўлганимизда эди, ядро қуроли синовларини ва бундай қуролларни ишлаб чиқаришни тақиқлаш ҳамда атом ва водород қуролининг жамғарилган запасларини батамом йўқ қилиб ташлаш каби масалалар ҳам ҳал қилинган бўлур эди.

Лекин йиллар ўтиб бормоқда. Қуролсизланиш бўйича қанчадан-қанча комитетлар ва комиссиялар тузилган бўлмасин, бундан сариқ чақалик фойда чиққани йўқ. Қуролсизланиш соҳасидаги экспертлар қиёмга тушиб қолган пашшадек музокаралардан йўл топиб чиқиб кета олмаётирлар. Шундай бўлаётганига сабаб нима? Совет Иттифоқи ва бошқа тинчликсевар мамлакатларнинг қуролсизланиш тўғрисида битимга келишга қаратилган ҳамма куч-ғайратлари нима учун капиталистик давлатларнинг қаттиқ қаршилигига дуч келмоқда? Бунинг сабаби шуки, империалистлар социализмга қарши, тинчликсевар халқларга қарши қуролли кураш олиб бориш тўғрисидаги фикрларидан қайтганлари йўқ.

Фойда олиш орқасидан қувиш, бойлик орттиришга ва эксплуатацияга очкўзлик билан интилиш империалистларнинг агрессив урушларини вужудга келтиради. Капиталистик монополиялар урушга тайёргарлик кўришни, зўр бериб қуролланишни иккинчи жаҳон урушидан кейин ўз мамлакатлари иқтисодий тараққиётининг ажралмас қисми қилиб қўйдилар. Социализм мамлакатларининг муваффақиятларидан империалистлар тобора кўпроқ ваҳимага тушмоқдалар, уларнинг коммунизмга нисбатан душманлиги тобора ортиб бормоқда. Улар жаҳон социализм системасининг жуда катта муваффақиятларини, ўз эркинлиги ва мустақиллиги учун курашаётган халқларнинг назарида бу системанинг жозибадор кучлари ўсиб бораётганлигини кўра олмайдилар. Капиталистик дунёга шу дамгача мадор бериб келган тасаввурлар империализм идеологларининг кўз олдида барбод бўлмоқда. Совет Иттифоқи ва Америка Қўшма Штатларининг саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши даражаларидаги фарқ йилдан-йилга камайиб бормоқда. Америкага тенглашиб оладиган ва ундан ўзиб кета бошлайдиган кунимиз энди яқинлашиб қолди.

Социалистик мамлакатларга синфий душманлик билан жон сарак бўлиб қолган баъзи империалистик арбоблар антикоммунизмни ўз ташқи сиёсатларининг асоси деб эълон қилмоқдалар. Булар «Антикоминтерн пакти», «Рим — Берлин» ўқи замонларидан бери таниш бўлиб қолган эски сафсата гаплардир. Лекин буларнинг оқибати нима бўлди? Ўқ синиб кетди, «Антикоминтерн пакти»нинг телба авторлари тарих ахлатхонасига улоқтириб ташланди.

Гап афтидан, энг агрессив империалистик доиралар, тинчлик билан коммунистик жамият қуриш планларини барбод этишни ҳохлаётганликларида бўлса керак. Капитализмнинг ўзи социал тузуми турлича бўлган мамлакатларнинг тинч мусобақалашишидан ҳадиксирамоқда.

Америка Қўшма Штатлари ва Ғарбдаги бошқа давлатлар уруш учун куч тўпламоқдалар. Улар қуролланишга катта-катта маблағлар сарфламоқдалар. Кейинги ўн икки йил ичида АҚШнинг бевосита ҳарбий харажатлари уч баравардан зиёдроқ кўпайди. Бу йил ҳарбий эҳтиёжларга 53 миллиард доллар сарфлашни мўлжаллаб қўйган эдилар, аммо яқинда АҚШ президенти бу харажатлар учун қўшимча равишда яна 3,5 миллиард доллар маблағ ажратишни талаб қилди. Ғарбий Германия кейинги ўн йил ичида тўлиқ эмаслиги очиқ кўриниб турган фақат расмий маълумотларгагина қараганда, ҳарбий мақсадларга Гитлернинг 1933 йилдан то иккинчи жаҳон уруши бошланган вақтгача бўлган давр ичида сарфлаган маблағига тахминан тенг келадиган маблағ сарфлади. Германия Федератив Республикаси бюджетининг ҳарбий харажатлари 1961 йилда яна 18 процент кўпайтирилди. Бошқа империалистик давлатлар ҳам қуролланишга жуда катта маблағлар сарфламоқда. Бу ҳол социалистик мамлакатларни «улоқтириб ташлаш» керак деб Даллес томониданоқ эълон қилинган сиёсатни империалистлар яна шиор қилиб олишга уринаётганликларини кўрсатиб турибди.

(Давоми иккинчи бетда).

## КПСС Марказий Комитетининг қарори

1961 йил 7 август

### Партия кандидати ўртоқ Г. С. ТИТОВни КПСС аъзолигига қабул қилиш тўғрисида

Ўртоқ Герман Степанович Титов, 1935 йилда туғилган, рус, 1961 йил апрель ойидан бери партия аъзолигига кандидат.

Ўртоқ Г. С. Титов космик фазони забт этиш соҳасида мислсиз жасорат ва қаҳрамонлик кўрсатди. У, «Восток-2» космик кемасида 1961 йил 6—7 августда 25 соат учиб, Ер атрофини 17 мартадан кўпроқ айланиб, 700 минг километрдан зиёд йўл босиб ўтди, Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг топшириғини аъло даражада бажарди.

Ўртоқ Г. С. Титов ўзининг буюк жасорати билан социалистик Ватанимизнинг шуҳратини бутун дунёга ёйди ва Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг аъзоси бўлишга муносиб эканлигини исботлади.

КПСС Марказий Комитети **қарор қилади:**

Ўртоқ Герман Степанович Титов Совет Иттифоқи Коммунистик партияси аъзолигига қабул қилинсин.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ.

